

ЁШЛАРНИНГ НИКОҲ ВА ОИЛАГА МУНОСАБАТИНИ ЯНАДА ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ.

С. Боймуродов

Ф. ф. н., доц. ҚаршиДУ



Ёшларнинг турмуш ўртоғи түғрисидаги идеалларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Тўғри, мазкур идеаллар оилавий тарбия давомида, оила психологиясига бағишлиланган назарий ва амалий машғулотларда маълум тарзда шакллантирилмоқда. Бироқ бу идеал турмуш ўртоғининг ташки қиёфаси, рўзгор юритиш малакаси хусусидаги умумий мулоҳазалар билан чекланиб қолаяпти. Бўлғуси турмуш ўртоғининг маънавий қиёфаси, хусусан маданий савияси, маълумоти даражаси, интеллектуал салоҳияти аксарият ҳолларда эътибордан четда қолади. Ваҳоланки, ушбу идеал турмуш ўртоғини танлашга, келгусидаги оилавий муносабатлар характеристига, шахс демографик фаолиятига жиддий таъсир ўтказади.

Бинобарин, ёшларнинг турмуш ўртоғи ҳақидаги идеалларини шакллантиришда қўл келадиган оммабоп рисолаларни нашр қилиш, жинсий тарбиянинг замонавий услуг ва усулларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ушбу идеалларнинг реал воқеликдан йироклашиб кетмаслигини, идеал билан воқелик ўртасида узвийлик мавжуд бўлишини таъминлаш ҳам долзарб характеристга эга. Акс ҳолда, йигит ёки қиз онгида шаклланган идеал турмуш ўртоғини танлашга халал бериши, унинг демографик фаолияти характеристини ўзгартириши ҳам мумкин.

Ёшларда турмуш ўртоғини танлашнинг рационал принципларини шакллантириш зарур. Маълумки, фарзандларнинг ҳаётини ташкил этишда яқин қариндошларнинг аралашуви ҳоллари катта. Бунинг ижобий томонлари ҳам бор, албатта. Жумладан, ота ва она фарзандларига бўлғуси турмуш ўртоғини ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда танлаб беришга ҳаракат қиласидилар. Бироқ аксарият ҳолларда ушбу танлов келин ёки куёвнинг ташки қиёфаси, рўзгор юритиш малакаси, унинг оиласининг ижтимоий мақомига қараб амалга оширилади. Бундай ҳолда фарзанднинг идеаллари, орзуистаклари инобатга олинмайди. Шу боисдан оила қураётган шахс турмуш ўртоғини ўз ҳоҳиш-иродаси ва идеалларига кўра танламоғи даркор. Унинг

бундай йўл билан танланиши шахсга ўз турмушини мустақил шакллантириш имконини беради.

Албатта, ёшларга хос бўлган эҳтирос, турмуш ўртоғи тўғрисидаги идеалнинг нотўғри шаклланганлиги тўғри хulosага келишга халал бериши ҳам мумкин. Демак, бир томондан, шахсий ҳаёт даҳлсизлиги билан боғлик тарғибот ва ташвиқот ишларимизни янги босқичга кўтариш, ушбу принципларнинг турмуш ўртоғини танлашда ҳам қўллашга эришиш даркор, иккинчи томондан эса, турмуш ўртоғини танлаш принципларини шакллантириш – оилавий ва жинсий тарбиянинг муҳим йўналишларидан бирига айланмоғи лозим. Ушбу тадбирлар шахс демографик фаолиятини оптималлаштиришга хизмат қиласди. Оилавий муносабатларда эр ва хотиннинг teng ҳуқуқлилигига эришиш, оилада аёллар дискриминациясиға йўл қўймаслик, болалар эркинлигини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, Шарқда асрлар мобайнида эр ва хотиннинг оиладаги вазифалари, ота-она билан болалар ўртасидаги муносабатлар миллий ва исломий қадриятлар, қоидалар асосида ташкил қилиб келинади. Ушбу қадрият ва қоидалар, умуман олганда, инсонийлиги ва ахлоқ қоидаларига қатъий мослиги билан ажralиб туради. Бироқ фуқароларимизнинг каттагина қисми миллий ва исломий қадрият ва қоидалардан нотўғри хulosалар чиқаришган кўринади. Хусусан, қишлоқларда истиқомат қилаётган кўпгина оилаларда эрнинг мутлақ ҳукмронлиги, хотиннинг тобелик мақоми, фарзандларнинг бирор бир масала юзасидан ота-онасиға шахсий муносабатини билдириналиги ҳоллари учрайди.

Оилавий муносабатларга бағишлиланган телекўрсатув, радиоэшиттириш, мақолалар миқдори анча салмоқли. Бироқ эр ва хотиннинг teng ҳуқуқлилигига эришиш, оилада аёллар дискриминациясиға йўл қўймаслик, болалар эркинлигини кенгайтириш учун уларга тизимли характер бахш этиш, мазмунан бойитиш зарур бўлади.

Оила ижтимоий аҳволини яхшилаш - шахс репродуктив фаолиятининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган муҳим детерминанталардан бири саналади, бинобарин шахсни оила ижтимоий аҳволини яхшилаш чораларини излашга одатлантириш керак. Шахс оила бюджетини унинг эҳтиёjlари билан солишиши, оиланинг моддий ва маънавий имкониятларини бюджет ҳажмини оширишга сафарбар этишни ўрганиши лозим. Афсуски, бугунги

кунда шахснинг бу борадаги демографик фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Оиланинг бир ойлик даромадлари ва харжатлари миқдорини режалаштириш, оила аъзоларининг имкониятларидан оила бюджетини бойитишида фойдаланиш ҳанузга қадар одат тусига киргани йўқ. Шу боисдан маҳаллаларда тегишли мавзуларда семинар-тренинглар ўtkазиш, улар хузурида “Оила” консалтинг марказларини ташкил этиш зарур. Ушбу тадбирлар шахснинг оила бюджети, уни шакллантириш йўллари, жамланган маблағдан оқилона фойдаланиш, оила моддий фаровонлигини муттасил ошира бориши стратегияси тўғрисидаги тасаввурларини тубдан янгилайди. Унинг демографик фаолиятини оила даромадлари ва моддий фаровонлигини мустақил оширишга, оила истиқболларини мустақил белгилашга йўналтиради.

Шахснинг оила аъзолари маданий савиясини оширишга интилишини кучайтириш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида моддий эҳтиёжларни қондириш биринчи ўринга чиққани маълум. Айни пайтда маданий-маърифий муассасалар фаолиятининг характеристери ҳам ўзгарди. Ушбу омиллар шахснинг оила аъзолари маданий савиясини оширишга интилишини сусайтирди. Фуқароларнинг кутубхона, музей, театр ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари даражаси йилдан йилга пасайиб бормоқда. Вазиятни ўзgartириш учун мамлакат аҳолиси турмуш даражасини оширишнинг ўзи камлик қиласи. Шу билан бир қаторда шахсни ўз маънавий эҳтиёжларини қондиришга одатлантириш, маданий савиясини, интеллектуал салоҳиятини оширишдан манфаатдорлигини кучайтириш ҳам зарур.

Шахсни бўш вақтини самарали ўтказишини таъминлаш зарур. Маълумки, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида ишдан ташқари вақт миқдори йилига 1700-1800 соатни ташкил этарди. Ҳозир эса, бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, бу кўрсаткич йилига 1100-1200 соатга тушиб кетди. Боз устига, бу вақтнинг салмоқли қисми ишга бориши ва қайтиш, рўзгор юмушларини бажариш, табиий-физиологик ва майший эҳтиёжларни қондириш учун сарфланмокда. Натижада шахс бўш вақти миқдори камайиб кетди. Унинг мазмуни ҳам талаб даражасида эмас: бўш вақт оила маданий савиясини ошириш, унинг ижтимоий аҳволини янада яхшилаш йўлларини топишга сарфланаётгани йўқ. Хуллас, шахснинг жамият манфаатларига мос бўлган



Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from Toronto, Canada.

Date: 5th April, 2024

ISSN: 2835-5326

Website: econferenceseries.com

демографик фаолиятини шакллантириш учун унинг бўш вақтини бошқармок, маълум мақсад сари йўналтиromoқ лозим. Бўш вақтнинг бошқарилиши унинг оқилона ташкил этилишига, шахс маънавий ва жисмоний юксалиши, оптимал демографик фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилишига замин ҳозирлайди.



E-Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings

E- CONFERENCE
SERIES